





ЖАҲОН 24 соат ичида

Сув остида ўсадиган шоли

Япониялик мутахассислар шолнинг сув остида ҳам ўса оладиган нави яратишга муваффақ бўлишди.

"Nature" журналининг ёзишича, мазкур нав мамлакат қишлоқ хўжалигига катта фойда келтириши мумкин. Чунки Японияда ёнгинчилик кўп кузатилади. Натижада дарёларнинг ўзанидан топиш ҳолатлари содир бўлади. Бу эса қишлоқ хўжалиги экинларига катта зарар етказиши мумкин. Аммо яратилган шоли навидан табиатнинг бундай инжиқликларига қарамай, ҳосил олса бўлади ва бу орқали юзага келиши мумкин бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллигига барҳам берилади.

Текшириш ишлари олиб борилди

Хитойнинг Хунань музофотида болаларнинг кўргошидан оммавий захарланиши кузатиildi.



Ачинарлиси, бу кейинги бир ой ичида Хитойда содир бўлган иккинчи ана шундай кўргошидан захарланиш ҳолати бўлиши мумкин. Олдинроқ Шаньси музофотида эритиш корхонаси атрофида ҳам болаларнинг оммавий захарланиши юз берганди. Ушунда 600 нафар норасида атрофта тарқалган турли газлардан азият чеккан. Шифокорларнинг сўзларига кўра, айни пайтда болаларни қаттиқ бош оғриги, мадорсизлик каби ҳолатлар безовта қилмоқда. Хукумат ана шундай воқеаларга сабаб бўлган корхоналарнинг фаолияти зудлик билан тўхтатилади, керакли текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Текин намойиш

Аргентина аҳолиси бундан буён футбол учрашувларини давлат тасарруфидаги телеканаллар орқали текинга томоша қилиши имкониятига эга бўлишиди.

Бу ҳақда мамлакат президенти Кристина Фернандес де Киршнер маълум қилди. Аргентина оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, бу тарихий аҳамиятга эга воқеаликдир. Айтиб ўтиш керак, шу пайтгача Аргентинада футбол баҳаслари фақат пулли кабель каналлари орқали олиб кўрсатилади. Оқибатда мамлакат аҳолисининг бир қисми "миллионлар йўли"нинг жозибасидан бебахора қолаётганди. Хукумат бу тадбирларни амалга ошириш учун давлат телеканалига йилга 155 миллион АҚШ доллари миқдорига маблаг тўлайди. Трансляция давомидида жойлаштирилган рекламалардан келадиган маблагнинг бир қисми мамлакатда олимпия ҳаракатини ривожлантиришга сарфланади.

Ёнгин парвозга таъсир этмоқда

Португалияда қучли ўрмон ёнгинлари содир бўлмоқда.

Хабарларга қараганда, "тилсиз ёв" мамлакатнинг шимолий туманларида талфотларни келтириб чиқармоқда. Олов ҳозирча аҳоли яшаш жойларига етиб келмаган бўлса-да, тевақал-атрофини қоплаб олган қалин тўти аэропортлар иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис бу ерда бир қатор халқаро рейслар бекор қилинган. Бундан ташқари, мамлакатни Испания билан боғловчи темир йўл ҳаракати ҳам тўхтатилади.

Саратонга қарши янги препарат

Гарвард университети олимлари саратон хасталигини даволашда янги самара берадиган янги препаратни яратишди.

Тадқиқотчиларнинг сўзларига кўра, "Салиномицин" деб номланган мазкур даволаш воситаси саратонга чалинган тўқималарни тезда йўқ қилиш хусусиятига эга. Ҳозирча янги воситадан инсонларни даволашда фойдаланилмаган бўлса-да, у айни пайтгача қўлланяётган шундай препаратлардан афзал эканлиги айтилмоқда. Жумладан, "Салиномицин" энг кўп тарқалган кўкрак саратонини даф этишда юқори самара беради. Олимларнинг фикрича, мазкур восита синовдан муваффақиятли ўтса, саратонни кимёвий ҳамда жарроҳлик амалиёти орқали даволашга ҳожат қолмайди.

Вирус хавфи

АҚШнинг Вашингтон шаҳрида А/Н1Н1 вируси тарқалишига қарши курашиш масалаларига бағишланган Халқаро конференция бўлиб ўтди.

Шини ҳеч қим аниқ айтиб бўлмайди. — деб таъкидлади Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ироқдаги вакили. — Шу боис касалликка қарши яқдиллик билан курашиш керак. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, айни пайтга келиб касаллик билан оғриган одамлар сони қарийб 200 минг кишига етган, 1800 одам хасталик туфайли нобуд бўлган. Бу борада, айниқса, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатларида аҳоли оғир. Шу боис айни кунларда Америка Қўшма Штатларида вирусга қарши янги вакцинани синаб кўриш бошланган. Бу тадбирларга 500 дан ортиқ кўнгилли жалб этилган.

Унда дунёнинг 32 мамлакатидан мутахассислар иштирок этди. Мулоқотлар чоғида маълум бўлишича, мазкур гриппнинг тарқалиш суръати ҳамон юқорилигига эришмоқда. Деярли ҳар қачун ушбу хасталикка чалинган беморлар қайд этиляпти. Нобуд бўлаётганлар сони ҳам ортиб бормоқда. — Ушбу хасталик кенг тарқалса, унинг олдини олишда қандай чоралар кўрилади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Қарийб бир йилдирки, ҳукм сураётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз дунёдаги деярли барча мамлакатларни ўзига хос синовдан ўтказмоқда. Шу туғайли жаҳонда савдо-сотиқ ҳажми камайди, давлатларнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари орқага кетди. Жаҳон иқтисодий тараққиётининг сўнги ўн йиллар давомидаги энг қалтис даври, дея баҳоланаётган мазкур таназзул йирик авиакомпанияларни ҳам мураккаб аҳолга солиб қўйди.

ГЛОБАЛ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ

авиакомпанияларни жиддий синовдан ўтказмоқда

Европадаги ҳаво транспорти ташкилотлари йўловчилар сони ва юк ташуш ҳажмининг сезиларли даражада қисқариши сабаб катта миқдорда зарар кўраётгани бугун ҳеч қимга сир эмас. Олайлик, нафақат кўнра кўнрада, балки бутун дунёда ўз ўрнига эга бўлган "Иберия" авиакомпаниясининг одатда қабул қиладиган буюртмалари сони 11,5 фоизга камайиб кетган. Бунда айрим мутахассисларнинг фикри ҳам ўзини оқламади. Уларнинг европаликлар ёзги дам олиш мавсумида самолётлар хизматидан барибери фойдаланиши, қабилидаги қарашлари оқланмаганига статистика маълумотларидан кўриниб турибди.

Утган йил якунири бўйича Буюк Британиянинг "British Airways" авиакомпанияси 600 млн., "Air France-KLM" (Франция) 280 млн., "Easyjet" (Буюк Британия) 239 млн. АҚШ доллари миқдоридан зиён кўрди. Яна бир қанча йирик авиакомпаниялар барибери хўш хўш тўлиб қолди. Ушбу раўятни яна давом эттириш мумкин.

Яқинда Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси (IATA) жорий йил якунига келиб, бутун дунёдаги авиакомпаниялар 9 млрд. АҚШ доллари миқдорига зарар кўриши ҳақидаги тахминини эълон қилди. "Rye", "Man&Gor Securities" компаниялари

таҳлилчиси Константин Юминов борада шундай дейди: "Авиакомпаниялар ижтимоий аҳамиятга эга. Муаммо нечоғли йирик бўлмасин, бу борада давлат ёрдам қўлини қўзиши, шубҳасиз".

Таҳлилчининг фикри қанчалик асосли-ассосизлиги алоҳида мавзу. Бироқ 2009 йилнинг дастлабки чорагида халқаро авиақатновларда 3 млрд. АҚШ доллари миқдоридидаги маблагнинг бой берилгани бор гап. Вақолаки, 2008 йилнинг шу даврида бу соҳада 405 млн. доллар фойда қўрилганди. Йўқотишга учраганлар орасида Европа қитъаси вақиллари асосий ўрини (2,08 млрд. доллар) эгаллаган. Шимолий Америка (574 млн. АҚШ доллари) ва Осиё-Тинч океани (8,22 млн. АҚШ доллари) авиакомпаниялари ҳам инқироз таъсирини сезиларли даражада ҳис қилганлардан ҳисобланишади.

Ҳақиқатан ҳам, ҳаво транспорти улкан ҳаётий занжирнинг ажралмас халқасидир. Шу боғлиқлик инқироз шароитида ўз-ўзидан улар фаолиятига ҳам муаммонинг юзага келишига сабаб бўлаётди. Жумладан, ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолиятнинг сустайиши, савдо ҳажмининг қисқариши, иш ўринлари сонининг камайирилиши йўловчи ва юк та-

шини миқдорини ҳам кескин түшириб юборди. Натижада кўнраб авиакомпаниялар янги йўналишлар очини кечктирди, хатто баъзилари вақтинча тўхтади ҳам. Бу, ўз навбатида, айрим юқоқлиларни келтириб чиқарди.

Молиявий-иқтисодий таназзул сабаб авиакомпаниялар ўртасидаги рақобат ҳам анча кучсизланиб қолди.

нини 10 фоизга ва иш ўринлари ҳажмини ҳам шунга мутаносиб рақобатдан шундан далолат беради. Хозирнинг ўзидаёқ 2 минг нафар ҳодимнинг ишсиз қолиши аниқ бўлиб турибди.

Вазият шунчаликка бориб етганки, гарбади айрим авиакомпаниялар тежамкорлик, деб истеъмолчи-

илгари сурмоқда. Бундан ташқари, йўловчиларнинг юқари оғирлигига ҳам кескин чегара қўйиб режалаштирилган. Шу орқали қарийб 30 млн. АҚШ долларини тежаб қолиш кўзда тутилган.

Япониянинг "JAL" компанияси эса қошиқ ва санчқилар узунлигини қисқартириш орқали парвозни энгиллатиш ҳамда ёнилгини тежашга қаратилган тадбирга қўл урди. Тўғри, илгари ҳам бу каби ноънавий чоралар амалда қўлланилган. Масалан, "American Airlines" авиакомпанияси 2006 йили йўловчиларга бериладиган салатлар тарқибидан зайтун мевасини чиқариб ташлаш орқали 40 минг АҚШ доллари фойда қилганди. Шу маънода, ҳозирги шароитда бир-бирдан антиқа чораларнинг ҳаётга татбиқ этилишига унчалик ҳам хайрон бўлмаслик керак.

Мана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистоннинг авиаия соҳасида олиб бораётган сиёсати қанчалик пухта ва ҳаётий эканлиги амалда ана бир қарра ўзини намоян этиди. Ҳозирги вақтда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси самолётлари юртимизнинг барча йирик шаҳарлари ва 45 дан ортиқ халқаро йўналиш бўйича парвозларни бир маромда амалга оширмоқда. Осиё, Европа, Америка, МДХнинг 40 дан ортиқ шаҳарларида эса унинг вақолатхоналари ишлаб турибди. Миллий авиакомпаниянинг ҳар йили қарийб 2 миллион нафар йўловчиларни узогини яқин қилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимиз фуқаро авиациясини ривожлантириш истиқболли дастури ишлаб чиқилган.



Биргина мисол. Америкадаги "Delta" авиакомпанияси асосий рақиб — "Northwest Airlines"нинг муваффақиятсизлигиндан унумли фойдаланиб, уни 2,8 млрд. АҚШ долларига сотиб олган. Шундай қилиб, "Delta" ишчиларининг

ларга унчалик ҳам хўш келмайдиган усуллари жорий этишмоқда. Масалан, "British Airways" борда бепул ёнғоқ ва пиво тарқатиши тўхтатган ҳамда тоғ чанғиси, голф клюшкиси учун бож ундиришга ўтган. "Ryanair" компанияси эса йўловчиларга факатгина битта сумка кўтариш мажбуриятини қўйди. Унинг ижрочи директори Майкл О'Лири хаттоки, самолётлардаги хожатхоналардан фойдаланиши ҳам пуллиқ қилиб қўйиш тақлифини

Аммо оруз-хаваслар ҳавода қилиб кетди. Нафақат америкаликларнинг, балки дунёдаги бошқа мамлакатлар аҳолисининг ҳам авиа-транспортлар хизматидан фойдаланиши, юк ташуш миқдори кескин камайди. Бундай салбий жараён айнан биз сўз юртаётган "Delta"га ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Авиакомпаниянинг жорий йил сентябрь ойига қадар халқаро рейслар со-

ҳозирда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси дунёдаги йирик авиакомпанияларни ўзда бирлаштирган, йўловчи ва юк ташуш бозорининг катта қисмини назорат қилувчи "Sky Team" халқаро авиация альянсига қўшилиш борасида сазай-ҳаракатлар олиб бормоқда. Яқиндагина IOSA (IATA Operation Safety Audit) аудити якуни бўйича қўлга киритилган сертификат айнан "Sky Team"га қўшилиш йўлида босиб ўтилган мўҳим босқич ҳисобланади.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида бундай ижобий натижаларнинг қўлга киритилаётгани ҳар биримизни чексиз фахрлантиради.

Санджон МАХСУМОВ.

МАҲСУЛОТ СИФАТЛИ, ХИЗМАТЛАР КАФОЛАТЛИ

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилган хизмат давлат андозаларига мос келиши ва тегишли сертификатга эга бўлиши миллий қонунчилигимизда белгиланган. Хусусан, "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги Қонун соҳадаги муносабатларни тартибга солиб келмоқда.

бузарликка йўл қўйилган. Ушбу корхона томонидан 28,5 миллион сўмлик қоршима йўлсозларга мувофиқлик сертификати-сиз бериб юборилган. Натижада ҳар иқкала корхонага молиявий чора кўрилди, яъни кўрсатилган маҳсулотнинг юз фоизи миқдоридида жарима солинди.

ҳолатда маҳсулот сотиш тақиқланди, сифат учун масъул 12 нафар ходимга умумий қиймати 446,7 миң сўм бўлган жарима қўлланилди.

ЯНА БИР ЯНГИ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида "Секко-Алессандре" Ўзбекистон Италия — Россия қўшма корхонаси иш бошлади.

Қолаверса, маҳсулот сифати ва хизмат қофолати ҳар қандай корхонанинг юзи ҳисобланади. Шунга қарамай, баъзи корхоналарда ушбу муҳим масалани унутиб қўйиш ҳолатлари учраётганлигини таассуф билан айтиш мумкин.

Наманган ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармаси мутахассислари томонидан ўтказилган текшириш чоғида қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди.

Масалан, "Намангантрансформатор" корхонасида ишланган электр ускуналарининг бир қисми мувофиқлик сертификати-сиз сотилаётганлиги маълум бўлди. Аниқроқ айтганда, 14,1 миллион сўмлик сертификатсиз маҳсулот сотилган.

Асфальт-бетон тайёрлашга ихтисослашган "Бутлаш-таъмирлаш-сервис" масъулияти чекланган жамиятида ҳам қонун-

бузариликка йўл қўйилган. Ушбу корхона томонидан 28,5 миллион сўмлик қоршима йўлсозларга мувофиқлик сертификати-сиз бериб юборилган. Натижада ҳар иқкала корхонага молиявий чора кўрилди, яъни кўрсатилган маҳсулотнинг юз фоизи миқдоридида жарима солинди.

Бундан ташқари, шу йилнинг ўтган беш ойида 14 та корхонанинг 26 турдаги маҳсулоти кўздан кеңирилди ва уларнинг 46,2 фоизи стандарт талабларига жавоб бермаслиги маълум бўлди. Ушбу ҳолатлар бўйича ҳам тегишли чоралар кўрилди. Учта

Истеъмолчи давлат андозаларига тўла жавоб берадиган, мукамал ва хавфсиз маҳсулот тавсия этилиши керак, — дейди вилоят ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи А. Убайдуллаев. — Ушбу ҳуқуқни таъминлаш мақсадида "Ишонч телефони" жорий этилди, "Очиқ эшиклар" қўни эса ҳар ойда ўтказилмоқда.

К. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ жамоаси бафта ширдотларимизни мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги шодияларини муносабати билан қизити қўлайди! Шу билан бирга, ҳудудий филиаллари томонидан бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидида ўтказилади! ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Qishloq Qurilish Bank ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСINI СОТИБ ОЛИШ БЎЙИЧА танлов Эълон қилади. Танловда қатнашиш учун тақлифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб ўн кун давомида қабул қилинади. Кўшимча маълумотларни куйидаги манзилдан олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 36-уй, 2-кават, 229-хона. Телефон: 236-16-03.

«CHIRCHIQ SHANXAY PLAST» ПРЕДЛАГАЕТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1200 мм ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ. ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ. Адрес: г. Чирчиқ, ул. Амра Темура, 22. Головной офис: г. Ташкент, ул. Шайхантахур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛБЗКА». Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00, моб. (+998 93) 547-49-75, 995-19-99. www.pipeline.uz, e-mail: sedou2008@yandex.ru

